

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИНИНГ
ҚАРАРИ

2024 йил сентябрь ойининг 19 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг ўз биносидаги очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: Б.Вахобов,

ҳайъат судьялари: Б.Мамажонов ва Р.Зариповдан иборат таркибда, И.Тўхтауновнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Аскарлов, судланган Ғ.Ахмадалиев ва унинг химоячилари А.Халилов ва Н.Кодиров, жабрланувчи Р.Хасанов ва унинг вакиллари – адвокат Т.Матқаримов ва Д.Иматовнинг иштирокида, Ғ.Ахмадалиев ва бошқаларга оид жиноят ишини унинг тафтиш тартибидаги шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2024 йил 18 январдаги ҳукмига кўра,

1964 йил 2 май куни Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, судланмаган, “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖ раҳбари, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, Тошлоқ тумани, Арабмозор МФЙ, Арабмозор кўчаси, 25-уйда яшовчи, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган Ахмадалиев Гуломжон Ғафурович

Ўзбекистон Республикаси 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбдор деб топилиб, ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисми 2-бандига асосан жазо тайинланмасдан жазодан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ғ.Ахмадалиев Тошлоқ туманидаги “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, Кадастрлар палатаси Тошлоқ тумани филиалида рўйхатга олувчи мутахассис вазифасида ишлаб келган шахс (жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2024 йил 4 январдаги ажримига кўра ишнинг А.Ҳакимовга оид қисми ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тугатилган) билан олдиндан тил бириктириб, муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаш ва қалбакилаштириш жиноятини содир қилган.



Хусусан, Ўзбекистон банклари ассоциацияси “Универсал Биржа Маркази” Фарғона филиалининг 2006 йил 16 майдаги 238-сонли кўчмас мулкни олди-сотди шартномасига асосан тугатилган, Тошлоқ тумани, Арабмозор МФЙда жойлашган “Б.Шерматов” жамоа хўжалигига тегишли бўлган идора бино ва иншоотлари “Toshloq Barokot” МЧЖга сотилиб, ушбу шартномада ва шу кунги идора бино ва иншоотларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасида МЧЖнинг қурилиш эгаллаган майдон 1.671,04 квадрат метр, фойдаланиш майдони 711,59 квадрат метр эканлиги кўрсатилган бўлиб, Ғ.Ахмадалиев 2012 йил 18 сентябрдаги 262-сонли савдо баённомасига асосан “Toshloq Barokot” МЧЖнинг юқоридаги идора бино ва иншоотларни “Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖнинг Фарғона вилоят филиали орқали жияни Ш.Ахмадалиевнинг номига сотиб олиб, аслида идора бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1.671,04 квадрат метрни, фойдаланиш майдони 721,16 квадрат метрни ташкил қилса-да, 2016 йил 21 июндаги келишув битимида идора бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдонини 4.031 квадрат метрни ташкил қилиши ҳақидаги ёлғон маълумотларни киритиб, Ш.Ахмадалиев томонидан гўёки ўзи раҳбарлик қилаётган “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга ҳадя қилинганини кўрсатиб, ушбу келишув битимига асосан 2016 йил 24 июндаги 02/02-сонли “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақида тузилган битимлар давлат реестри” китобига 184-бет, 25-тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилишига ҳамда эгалик ҳуқуқини белгилаб берилишига эришган.

А.Ахмадалиев жиноий фаолиятини давом эттириб, 2019 йил 05 май куни Тошлоқ тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Н.Усмоновга 2016 йил 21 июндаги келишув битимини такдим қилиб, “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖ тасарруфидаги идора бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 4.031 квадрат метр эканлиги кўрсатилган 2019 йил 14 майдаги 201900771003479-сонли ҳадя шартномасини тасдиқланишига ва Тошлоқ туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси мутахассиси томонидан 2019 йил 26 октябрь куни “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақида тузилган битимлар давлат реестри”га рўйхатга киритилишига ҳамда идора бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони 4.031 квадрат метр эканлиги ҳақидаги сохта кўчирма берилишига эришган.

Судланган Ғ.Ахмадалиев ҳимоячиси билан биргаликдаги шикоятда, ҳужжатларни қалбакилаштирмагани ва ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳақида ҳеч ким билан тил бириктирмагани, дастлаб Тошлоқ тумани, Арабмозор МФЙда жойлашган “Б.Шерматов” жамоа хўжалигига тегишли бўлган идора бино ва иншоотлари бўйича дастлабки ҳужжатларда умумий ер майдони кўрсатилмаган бўлгани, кейинчалик кадастр ҳужжатларида ер майдони 4.031 квадрат метр экани ҳақида маълумотлар киритилгани ҳақида вазлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилиб, оклов ҳукми чиқаришни сўраганлар.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Р.Зариповнинг маърузасини, прокурор Н.Асқаров, жабрланувчи Р.Хасанов ва унинг вакиллари – адвокат Т.Маткаримов ва Д.Иматовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз



колдириш ҳақидаги, судланган Ғ.Ахмадалиев ва унинг ҳимоячилари – адвокат А.Халилов ва Н.Қодировларнинг кассация шикоятини тўлиқ қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартириш, кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган Ғ.Ахмадалиевнинг қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирилган аргументларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ҳамда судда текширилган далиллар – судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятларни содир этганлиги ўзининг айбига иқроор бўлмасдан, жиноий ҳаракатларини фош қилувчи кўрсатувларидан ташқари, гувоҳлар А.Ҳакимов, А.Султонов, Ш.Ахмадалиев, Н.Усмоновнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фото иловалар, Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида давлат реестридан кўчирма, далолатнома, 262-сонли олди-сотди шартномаси, кўчмас мулк объектига кадастр йиғма жилдлари нусхалари ва 2016 йил 21 июндаги келишув битими ва илова ҳужжатлар, архив маълумотномалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли ҳулосага келиниб, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Кассация инстанцияси суди шикоятдаги, ҳужжатларни қалбакилаштирмагани, оқлов ҳукми чиқарилиши лозимлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унинг мазкур важлари ўзининг биринчи инстанция судидаги, 2012 йил 3 сентябрь куни жияни Ш.Ахмадалиев Тошлоқ тумани, Арабмозор МФЙ, Арабмозор кўчасида жойлашган 4031 квадрат метрда жойлашган бино ва иншоотларни “Toshloq Barokot” МЧЖ раҳбари Р.Камоловдан 12.150.000 сўмга сотиб олиб, 2016 йил 21 июнь куни ушбу бино ва иншоотларни улуш сифатида “Файзли Фарғона Баҳори” МЧЖга киритгани, сўнг 2019 йил 14 май куни ҳада шартномасига асосан “Ezgu Shifo” МЧЖ раҳбари, ўғли Ғ.Ахмадалиевга юқоридаги мулклар давлат рўйхатидан ўтказилгани, келишув битимини туман кадастр бўлими ходими А.Ҳакимов рўйхатга олгани ҳақидаги;

гувоҳ Ш.Ахмадалиевнинг биринчи инстанция судидаги, амакиси Ғ.Ахмадалиев 2012 йил 3 сентябрь куни унинг номига Тошлоқ тумани, Арабмозор МФЙ, Арабмозор кўчасида жойлашган 4031 квадрат метрда жойлашган бино ва иншоотларни “Toshloq Barokot” МЧЖ раҳбари Р.Камоловдан 12.150.000 сўмга сотиб олгани, 2016 йил 21 июнь куни амакиси Ғ.Ахмадалиев билан тузилган келишув битимида асосан мазкур бино ва иншоотлар билан “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга таъсисчи бўлиб киргани, 2019 йил 14 май куни Ғ.Ахмадалиев ҳада шартномасига асосан юқоридаги мулкларни ўғли Ахмадалиев Ғолибга ҳада қилиб ўтказгани, сўнг мазкур бино-иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги;



гувоҳ Ш.Ахмадалиевнинг суд мажлисида ўқиб эшиттирилган дастлабки терговдаги, 2012 йил 3 сентябрь куни собиқ “Б.Шерматов” жамоа хўжалигининг идора бино-иншоотларини “Toshloq Bahokot” МЧЖдан амакиси Ғ.Ахмадалиев эстиб олгани ва пулини ҳам ўзи тузгани, ушбу бино ва иншоотлар бўйича 2016 йил 21 июнь куни амакиси Ғ.Ахмадалиев билан келишув битими тузилгани, кўра “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга таъсисчи бўлиб кириб, бино-иншоотларини, яъни собиқ “Б.Шерматов” жамоа хўжалигининг идора бино ва иншоотларини “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга мулк сифатида топширгани, амакиси Ғ.Шерматов эса раҳбар сифатида ушбу идора бино-иншоотларни жамиятнинг низом фондиди шакллантириш учун қабул қилиб олгани, ҳужжатларни ким тузганини билмаслиги, ушбу ишларни амакиси Ғ.Ахмадалиевни ўзи бажарган бўлиб, ўзи у айтган жойларга имзо қўйиб бергани ҳақидаги;

гувоҳ А.Хақимовнинг биринчи инстанция судидаги, 2010 йилдан 2021 йил май ойига қадар Кадастрлар палатаси Тошлоқ тумани филиалида рўйхатга олувчи мутахассис вазифасида ишлагани, хизмат вазифасига жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш киргани, 2016 йил 21 июнь куни “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга тегишли бўлган кадастр йиғма жилди тайёрланган бўлиб, Ш.Ахмадалиев ва “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖ ўртасида тузилган келишув битими 24.06.2016 йил куни 02-02-сонли китобга 184-бет, 25-тартиб рақами билан рўйхатга олгани, сўнг давлат ва хизматлар марказидан 2019 йил 24 октябрь куни 13688356-сонли буюртмага асосан Тошлоқ тумани нотариал идорасининг 2019 йил 14 майдаги 201900771003479-сонли реестрига киритилган ҳады шартномаси давлат рўйхатидан ўтказиш учун келиб тушгани, 2019 йил 26 октябрда ушбу ҳады шартномасини давлат рўйхатидан ўтказгани, Давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ҳады шартномасида ер майдони 4.031 квадрат метр эканлиги кўрсатилгани ва давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилиши учун асослар мавжуд бўлмагани сабабли рўйхатга олиш реестрининг 3.1-бандидаги, давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони 4.031 квадрат метр деб ёзгани, ер майдонини жойига чиқиб ўлчаш ваколати бўлмагани сабабли ер майдонини текширмагани, сўнг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақида тузилган битимлар давлат реестри дафтари”даги 184-бетдаги 25-тартиб рақамига 2016 йил 24 октябрь санаси билан “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖнинг бино-иншоотларини рўйхатга олгани ҳақидаги;

гувоҳ А.Султоновнинг биринчи ва кассация инстанцияси судларидаги, 2015 йилдан 2022 йилга қадар Кадастрлар палатаси Тошлоқ тумани филиали раҳбари вазифасида ишлагани, 2016 йил 21 июнь куни “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖ раҳбари Ғ.Ахмадалиевнинг аризасига кўра Арабмозор маҳалласидаги МЧЖга тегишли мулкларга кадастр ҳужжатини тайёрлашни мутахассис Ё.Имяминовга топширгани, Ё.Имяминов кадастр қилиш керак бўлган жойга бориб, Ғ.Ахмадалиев иштирокида бино-иншоотларга кадастр ҳужжати тайёрлагани, кадастр ҳужжати тайёрлаш мобайнида ҳужжат бўйича ер майдони 0.0 квадрат метр, амалдаги ер майдони 4.031 квадрат метр



кўрсатилгани, сўнг бино иншоотларга тегишли бўлган гувоҳномага ўзи ҳам имзо қўйиб бергани, аммо ер майдони бўйича гувоҳномадан хабари йўқлиги, мазкур гувоҳномадаги А.Султонов номидан бажарилган имзоларни ким қўйганини билмаслиги ва ҳақидаги,

гувоҳ Н.Усмоновнинг биринчи инстанция судидаги, 2017 йил 1 июнь кунидан 2020 йил 22 апрель кунга қадар Тошлоқ туманидаги 1-сон давлат нотариал идорасида нотариуснинг қайд этилган ҳада шартномасига асосан реестрга 201900771003479-сон билан қайд этилган ҳада шартномасига асосан “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖ томонидан “Ezgu Shifo” МЧЖга Тошлоқ тумани, Арабмозор МФЙ, Арабмозор кўчасида жойлашган идора бино ва иншоотлари ҳада қилинганлиги, ушбу нотариал ҳаракатни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 2-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 3113-сонли йўриқноманинг талабларидан келиб чиқиб, ҳада этилаётган мулкни мулкдорга тегишлилиги, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилгани, ушбу мулк ҳада қилувчи “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга 21.06.2016 йилдаги келишув битимида асосан тегишли бўлиб, ушбу келишув битими “Ермулккадастр ДК” Тошлоқ туман бўлими томонидан 2016 йил 24 октябрь куни реестрга 02/02-184-25-рақам ва 15.11.02.02.01.0049-сон билан рўйхатга олинган ҳамда 2019 йил 14 май куни реестрга 201900771003479-сон билан қайд этиб тасдиқланган ҳада шартномасида бино ва иншоотларнинг тавсифида ер майдони 4.031 квадрат метр, умумий майдони 1.672,37 квадрат метр, фойдали майдони 722,07 квадрат метр, бино ва иншоотларнинг қурилиш майдони 1.672,37 квадрат метр экани ёзилгани, ушбу келишув битимида ҳада қилинаётган идора бино ва иншоотларининг умумий ер майдони 4.031 квадрат метрдан иборат эканлиги кўрсатилгани сабабли ушбу эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга асосан ер майдони ҳада шартномасида ҳам шундай ёзилгани ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Тошлоқ туман “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақда тузилган битимлар” китобига 2016 йил 24 июнь санасида 25-тартиб рақам билан киритилган ёзувларга кўра, ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмагани ҳолда “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга кадастр рақами 15:11:02:02:01:0049 бўлган ер участкасига серия ва рақами FA0042857 бўлган Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги қайд этилганлиги билан;

шунингдек, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фото иловалар, Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида давлат реестридан кўчирма, далолатнома, 262-сонли олди-сотди шартномаси, кўчмас мулк объектига кадастр йиғма жилдлари нусхалари ва 2016 йил 21 июндаги келишув битими ва илова ҳужжатлар, архив маълумотномалари билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан рад қилиниши ҳақидаги хулосага келди.



Кассация инстанцияси суди, кадастр хужжатларидаги ер участкаси тавсифига кўра Тошлок тумани, Арабмозор МФЙда жойлашган “Б.Шерматов” жамоа хужалигига тегишли бўлган идора бино ва иншоотлари бўйича 4.031 квадрат метр ер майдони амалда фойдаланиб келинаётгани қайд этилган бўлса-да, ер майдонини ажратиш бўйича ҳукуқий хужжат мавжуд бўлмаганини, Ғ.Ахмадалиев мазкур бино-иншоотларни жияни Ш.Ахмадалиевнинг номига олаётган вақтда ҳамда Ш.Ахмадалиев мазкур бино-иншоотлар билан Ахмадалиевга тегишли “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга таъсисчи бўлиб қираётганида ҳам мазкур ер майдонига тегишли ҳукуқий хужжатлар мавжуд бўлмаганини, шундан сўнг Тошлок туман Ермулккадастр хизмати ходими А.Ҳакимов томонидан Ғ.Ахмадалиевнинг манфаатларини кўзлаб, ер участкасига бўлган ҳукуқни тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлмагани ҳолда “Fayzli Farg‘ona Bahori” МЧЖга кадастр рақами 15:11:02:02:01:0049 бўлган 4.031 квадрат метр ер участкасига серия ва рақами ҒА0042857 бўлган Ер участкасига бўлган ҳукуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириб берганини назарда тутиб, Ғ.Ахмадалиевнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги шикоятдаги, хужжатларни қалбакилаштирагани ва хужжатларни қалбакилаштириш ҳақида ҳеч ким билан тил бириктирмагани ҳақидаги вазлари билан келишмади.

Биринчи инстанция суди, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига риоя қилиб, ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “б” банди ҳамда ЖПКнинг 463-моддаси 2-қисми 2-банди қоидаларига асосан Ғ.Ахмадалиев содир этган жиноят учун айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетганлигини инобатга олиб, жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқариб, адолатли ҳулосага келган.

Суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини, протестини эса қаноатлантirmасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Шунга кўра ҳамда Ғ.Ахмадалиевга нисбатан чиқарилган суднинг ҳукми моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлиги аниқланганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди, ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509⁹ ва 509¹⁰-моддаларига асосланиб, кассация инстанцияси суди

ажрим қилди:

Ахмадалиев Гуломжон Фафуровичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошлок туман судининг 2024 йил 18 январдаги ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.



Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибиде шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Раислик қилувчи:

Б.Вахобов

Ҳайъат судьялари:



Б.Мамажонов

Р.Зарипов



Раислик қилувчи:

имзо

Б.Вахобов

Ҳайъат судьялари:

имзо

Б.Мамажонов

имзо

Р.Зарипов

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

нусхаси аслига тўғри:

вилоят судининг судьяс



Р.Зарипов

